

ГУДАКЛИК ДАВРИНИНГ ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИ

Джабборова Мадина Мусирмон кизи

Мирзо Улугбек номидаги Узбекистон Milliy Университети Психология факультетини тамомлаган.

Болалар психологияси –психология соҳаси, болалар психологик ривожланиши умумий ва алоҳида хусусиятларини, турли ёш босқичларида бу жараён қандай кечиши, уни ҳаракатлантирувчи кучлар ва қонуниятларни тадқиқ қиласди. Шу сабабли болалар психологиясини, кўпинча, ёш психологияси деб атайдилар. Болалар психологияси болаларда психик жараёнлар (маърифий, нутқий, хиссий, иродавий ва ҳ.к.) пайдо бўлиши ва ривожланишини, психик хусусиятлар қарор топишини, хилмажил фаолиятнинг (ўйинлар, ўқиш, меҳнат) ривожланишини, боланинг шахс сифатида шаклланишини ўрганади. Болалар психологияси умумий психологияда ишлаб чиқилган тадқиқот усулларидан фойдаланади, бироқ уни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Болалар шахси ёш хусусиятларини ўрганишда кўндаланг кесма ва лонгитюд деб номланган тадқиқотлар ўтказилади. Биринчи ҳолатда биргина психик жараённинг ўзи бир вақтда турли ёш гурухларига тааллукли бўлган болаларда тадқиқ қилинади. Иккинчи ҳолат (лонгитюд)да эса маълум бир (алоҳида танла болинган) болаларнинг психик хусусиятлари қўп йиллар давомида тадқиқ қилинади. Бу эса, ўз навбатида, улар психикаси ривожланишининг умумий кечишини кузатиш имкониятини беради.

У педагогика психологияси, олий асаб фаолияти физиологияси билан чамбарчас боғланган. Унинг маълумот ва хуносалари ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш назарияси ва амалиёти учун хамда, умумий психология учун муҳим аҳамиятга эга.

Болалар психологияси узининг мураккаб предметини урганишда фалсафага таянади. Маълумки, табиат ва жамиятдаги нарса хамда ходисалар тараккиётининг энг умумий конуниятларини урганади, хамда инсон онгининг ижтимоий хаётга бодликлигини исботлаб беради.

Болалар янги тугилган чакалоклик даврида (тахминан 2 ойгача) унинг фаолияти факат энг зарур органик эҳтиёжларни кондириш билан (20 соатга якин уйку) чекланади. Болалар узок ухлаш туфайли энергиясининг асосий кисмини тез усишга жисмоний жихатдан ривожланишига сарф этади. Болалар 2 ойлик була бошлагач, унинг гудаклик даври бошланади. (2 ойдан 1 ёшгача). Гудаклик даврида боланинг психикаси нийоятда тез ривожланади. Болалар аста-секин камрок ухлайдиган булади ва атрофдаги нарсаларнинг таъсирига купрок кизикадиган булади. Икки ойлик болалар товуш келган томонга караб бошини буради, гапирганни кузи билан кидира бошлайди, корни билан ёткизилса, бошини кутаришга харакат қиласди, аммо бу харакатларнинг купчилигини бетартиб, ихтиёrsиз харакатлардир. Уч ойлик болаларни тик тута бошлайди. Бу боланинг психик жихатдан усииши учун жуда муҳимдир. Тобора купрок таасурот

оладиган булиб колади. Бу эса миянинг ривожланишига ёрдам беради. Бола ёшига тулгунча жуда куп харакатларни узлаштириб олади. Бу харакатлар орасмида кул харакатлари психик тараккиёт учун мухим булган харакатлардир. Турт ойлик бола нарсаларга кул чузадиган булади, аммо у хали узининг кул харакатларини идора кила олмайди. Бола 5 ойлик булгач, корни билан ёта олади, уни пайпаслаб тимирскилаб куриш оркали уларнинг айрим хусусиятларини билиб олади. Бола 6 ойлик булгач, мустакил утира оладиган булади. Бола утира бошлагандан сунг унинг назар доираси кенгайиб, унда янгидан-янги тассуротлар пайдо булади. Бола куз унгидаги янги таассуротларнинг пайдо булиши идрок, диккат, хотира каби психик жараёнларнинг ривожланишига катта ёрдам беради. Бола 8 ойлик булгач, яна бир мураккаб харакатни, яъни эмаклашни бошлайди. Эмаклаш билан бир пайтда каровотни ёки бошқа бир нарсани ушлаб, тик тура олади. Биринчи бор гапира бошлаганда у атрофдаги одамлар ва буюмлар дунёсини катта ёшдаги кишилар ёрдамида била бошлайди. Илк ёшдаги болалар жисмоний жихатдан тез ривожланиши билан бирга психик жихатдан хам тез ривожланадилар. Уни кўриб, идрок қилиши эшлиши билан қўшилади. Айнан ўйинчоқ номи айтилганда, ҳиссий идрок билан сўз ўртасида ўзаро таъсир содир бўлади. Боланинг I ёшли даври унинг психикасининг тез суратлар билан узиши давридир. Масалан: она "мушукчани бер", "мушукчани олиб кел" деб бир неча марта «мушукча» деган сўз бола хаёлида маълум бир буюмни ҳосил қиласди.

Машхур рус физиологи Иван Сеченов бундай деб ёзган: "Бола гапиришни ўрганидан кейин унда атрофдаги нарсаларга қизиқиш ва уларни билишга интилиш ошиб боради, буҳол боланинг онасига: нега стол юрмайди, қуёш эса оёқсиз юради, кечкурун у қаерга яширинади, нима учун шамол ғувуллайди?" - каби саволлар беришга сабаб бўлади. Гудак болалар психикасини ривожланиши биринчидан анализаторларнинг такомиллашуви билан бояглик булса, иккинчидан мустакил харакатларнинг узиши билан боягликдир. Бола психикасини узишининг унинг харакатларини узишидан ажратиб булмайди. Бола дастлаб уз танасининг харакатини эплай оладиган булиб колади, сунгра атрофдаги нарсаларни ушлаб харакат киладиган булади, бу харакатлар эса боланинг нерв системасининг ва психикасининг узишига ёрдам беради. Болани хамма нарса кизиктиради. Болада гудаклик давридан бошлабок барча психик жараёнлар нормал тараккий эта бошлайди. Бу даврда болада ихтиёrsиз диккат шаклланади. Бола тугилган пайтларда унинг эътиборини асосан узининг органик эҳтиёжларини кондирадиган кейинчалик уни атроф мухитдаги ходисалар уни кизиктира бошлайди. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда нутқни ривожлантириш алоҳида роль ўйнайди. Инсон ўз фикрларини ифодалаш ва бошқаларнинг фикрларини тушуниш учун она тилидан фойдаланади. Нутқни эгаллаш болага хикоя, бадий асар, сўзловчининг тушунтиришлари оркали билимлар ҳосил қилишга имкон беради. Болалар боғчасида лугат бойлигини ошириш, сўзнинг грамматик тузилишини шакллантириш, боғланишли нутқни ривожлантириш вазифалари ҳал этилади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда онгли равища эслаб қолиш қобилияти яхши

шаклланади, хотира ҳажми кенгаяди. Хаёл, тафаккур қилиш ижодий фаолият учун зарурдир, шунинг учун уни боғча ёшидан бошлаб ривожлантириб бориш катта аҳамиятга эга. Қизиқувчанлик болага хос хусусиятдир. У болани теварак-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга, нарса ва буюмларга қизиқиши билан қарашида, ҳамма нарсани ушлаб, пайпаслаб, юргизиб, ҳаракатга келтириб кўришида, қизиқтирган нарсасини дикқат билан томоша қилиши ва қузатишида намоён бўлади.

Боланинг ақлий қобилияти ақлнинг зийраклик, фаҳм-фаросатлилик, танқидий кўз билан қараш, синчковлик, сермулоҳазалилик сифатлари билан ажралиб туриши мумкин. Ақлий тарбиянинг вазифаси болалар қизиқувчанлигини, улар ақлининг синчковлигини ривожлантириш ва шулар асосида билишга қизиқиши ҳосил қилишдир.

Тарбиячи болаларда ақлий сифатларни ривожлантирувчи фаолиятларни ташкил этиб бориши керак. Болаларда зийракликни ўстириш учун тез жавоб қайтаришни талаб этадиган ўйинларни ташкил этиш лозим. Танқидий қараш қобилиятини ривожлантириш учун болаларни тенгдошларининг ишини, жавобини таҳлил қилишга жалб этиш; синчковликни ривожлантириш учун энг оддий тадқиқотчилик ишларини ташкил қилиш, жумбоқли масалалар ечиш мақсадга мувофиқдир. Илк ва боғча ёши даврида болаларда теварак-атрофга бўлган қизиқиши жуда тез ўсади. Қизиқиши-боланинг ақлий ривожланишини ҳаракатга келтирувчи қудратли кучдир. Катталар болаларнинг қизиқувчанлигини, билишга бўлган ҳар қандай хоҳишини сезишлари ва рағбатлантириб боришлари керак.

Боланинг ақлий тараккиёти конунларидан хабардор булиш турли ёшдаги болалар билан таълим-тарбия ишларини тугри ташкил қилиш болалар психологияси педагогика фани билан хам якиндан аллокададир. Болалар психологияси таълим-тарбиянинг максади, йул-йуриклари ва вазифаларига доир фикрларни педагогика фанидан олади, хамда унга якиндан ёрдам беради. Шу нарсани эсдан чикармаслик керакки, болаларни урганишининг катъий ва аник максади булиши керак. Болаларнинг барча хусусиятларини бирданига урганиб булмайди. Болаларнинг эҳтиёjlари қизиқишилари, майл ва истаклари, қобилияtlари, диккатлари, нутк хамда тафаккурларининг хусусиятларини бирин-кетин шошмасдан ураниш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. М.Вохидов. «Болалар психикаси» Тошкент. 1992 й.
2. Z.T.Nishonov, G.K.Alimova, A.G’.Turg’unboyeva, M.X.Asranboyeva - Bolalar Psixologiyasi va Psixodiagnostikasi. Maktabgacha ta’lim yonalishi talabalari uchun tavsiya etilgan darslik.. TOSHKENT- 2017.
3. П.Левентуев. А.Аскархужаев, Б.Чудновский, М.Вохидов «Болалар психологияси очерклари».
4. Г.Калюшен, М.Деюгина «Йургақдан мактабгача» 1996 й.
5. Э.Гозиев. «психология» Тошкент. 1994 й.

6. К.Абдулаева «Нутқ устириш» 1990 йил.
7. wikipediya